

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

СУЛАЙМОНОВ АБДУРАХМОН АБДУРАШИДОВИЧ

**НЕЙТРОНЛАР БИЛАН НУРЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ЛЕГИРЛАНГАН
КРЕМНИЙ МОНОКРИСТАЛИ АСОСИДА ТЕРМОРАДИАЦИОН
ДАТЧИКЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Сулаймонов Абдурахмон Абдурашидович

Нейтронлар билан нурлантириш орқали легирланган кремний
монокристалли асосида терморрадиацион датчиклар ишлаб чиқиш..... 3

Сулаймонов Абдурахмон Абдурашидович

Разработка терморрадиационных датчиков на основе нейтронно
легированного монокристаллического кремния..... 25

Sulaymonov Abdurakhmon Abdurashidovich

Development of thermo-radiation sensors based on neutron doped
monocrystalline silicon 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

СУЛАЙМОНОВ АБДУРАХМОН АБДУРАШИДОВИЧ

**НЕЙТРОНЛАР БИЛАН НУРЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ЛЕГИРЛАНГАН
КРЕМНИЙ МОНОКРИСТАЛИ АСОСИДА ТЕРМОРАДИАЦИОН
ДАТЧИКЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Т2342 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташметов Маннаб Юсупович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ёдгорова Дилбар Мустафаевна**
техника фанлари доктори, профессор

Қурбанов Бахтияр Ибрагимович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “ ____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

И.И. Садиков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари,
т.ф.д., катта илмий ходим

О.Р. Тожибоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.м.ф. PhD

И. Нуритдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун дунёда яримўтказгич материаллар қаттиқ жисм электроникасида энг кўп ишлатиладиган элементлардан бири ҳисобланади. Улар илм фан ва саноатнинг турли соҳаларида фото ва термодатчиклар сифатида ҳам кенг қўлланилмоқда. Маълумки, базавий материалларга, хусусан, терморезисторлар ишлаб чиқаришда қўйиладиган асосий талаб материалнинг электр қаршилигининг ҳарорат таъсирига юқори сезгирлигидир. Физик хусусиятларга кўра, асосий материалга қараб, терморезисторлар қаршилиқнинг мусбат ва манфий ҳарорат коэффициентига эга бўлган икки гуруҳга бўлинади. Терморезисторларнинг ҳароратга сезгирлиги диапазони материалнинг электрофизик параметрлари ва хусусиятлари билан белгиланади. Асосий материалнинг параметрлари ва хусусиятларини ўзгартириб, терморезистор қаршилигининг ҳароратга боғлиқлигини кенг чегарада тартибга солиш мумкин.

Сўнгги йилларда дунёда яримўтказгичлар, оксидли диэлектрик материаллар ва турли хил қотишмаларга асосланган ҳар-хил тузилишдаги турли терморезисторларни ишлаб чиқариш жадал давом этмоқда. Терморезисторларни ишлаб чиқариш учун яримўтказгичли материаллар ва бирикмалар кенг қўлланилади ҳамда бу ҳар-хил ҳарорат датчикларини яратишга имкон беради. Улардан бири юқори солиштирма қаршилиқка эга бўлган монокристалл кремнийдир. Бундай материални саноат шароитида олиш унинг тозаллиги ва радиал бир хил солиштирма қаршилиқка эгаллигини таъминлаш қийинлиги сабабли катта сарф-ҳаражат талаб қилади. Амалда ушбу муаммоларни бартараф этиш учун намуналарни ўстириш жараёнида, юқори ҳароратда диффузия ёки ион имплантацияси билан ҳам кремнийга турли хил аралашмалар киритиш усули кенг қўлланилади. Санаб ўтилган бу усулларнинг камчилиги намуналарни легирлаб ҳажм бўйича бир хил солиштирма қаршилиқка эга терморезисторлар олиш имконини бермаслигидир.

Ҳозирги кунда радиациявий технологиядан фойдаланган ҳолда асосий материалда радиацион нуқсонларни шакллантиришга асосланган ҳолда зарур хусусиятлар ва параметрларга эга материални олишнинг янги усуллари яратилмоқда. Шу сабабли, терморезисторларни тайёрлашда қўлланиладиган асосий материаллар параметрларининг ишлаб чиқаришда бир хиллигини доимо таъминлаш ва ҳарактеристикаларини яхшилаш, бир хил солиштирма қаршилиқка эга бўлган терморезисторлар тайёрлаш, таъсир ҳароратини эслаб қолувчи датчикларнинг ҳароратга сезгирлик чегарасини кенгайтириш бўйича янги усулларни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш замонавий қаттиқ жисмлар электроникаси ва унга алоқадор фан ва техника соҳаларининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Республикамизда ядро физикаси тадқиқотлари ютуқларини инновацион асбобсозлик ва махсус ўлчов ускуналарида амалда қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат

билан ушбу диссертация ишида кўриб чиқилган муаммолар, шубҳасиз, катта амалий қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегияси¹ тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кремнийнинг электрофизикавий параметрларини компенсацияловчи киришмалар билан легирлаш ёки нуқсонли ҳолатларни киритиш йўли билан мақсадли йўналишда ўзгартириш бўйича тадқиқотлар бу соҳадаги дунёнинг етакчи олимлари, хусусан россиялик (Асина С.С., Шевченко В.Г., Ионов А.Н.), америкалик (Michel Kozhukh), украиналик (Долголенко А.П. ва бошқалар), япониялик (Shin'ichiro Takasu), ўзбекистонлик (Юнусов М.С., Каримов М., Муминов Р.А., Бахадирханов М.К., Зайнобиддинов С.З., Махкамов Ш., Ёдгорова Д.М., Раджапов С.А.) ва бошқа олимлар томонидан олиб борилмоқда.

Илмий нашрларда ва монографияларда эълон қилинган легирланган яримўтказгичлар бўйича маълумотлар шуни кўрсатадики, мавжуд радиациявий усуллар ёрдамида кристалларга киришма атомларини киритиш ва диффузиялаш жараёнлари умуман олганда кристалл бутун ҳажми бўйлаб биржинсли легирлаш имконини бермайди. Намуналардаги компенсацияланиш даражаси ўзаро сезиларли даражада фарқ қилади. Катта энергияли электронлар оқими билан кремнийни радиациявий компенсациялаш эса оқимнинг диапазони, энергияси ва биржинслилиги ҳамда нурлантирилаётган кристалл ўлчамлари билан чекланган.

Ион имплантация йўли билан компенсацияловчи киришмаларни киритиш маълум бир қалинликдаги (ионларнинг энергияларига боғлиқ равишда бир неча микронгача) компенсацияланган материал олиш имконини беради. Бунда базавий материал ҳажмида компенсация содир бўлмайди ва бир неча микрон қалинликдаги компенсацияланган қатлам асосида керакли геометрик ўлчамли терморезисторлар тайёрлаш амалда жуда мураккабдир.

¹ 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Юқорида баён қилинганларга кўра биржинсли, юқори қаршиликка эга яримўтказгич материал олиш масаласи компенсацияловчи киришмалар ёки нуқсонли ҳолатлар киритишнинг янгича ёндашувлари ва усулларини қидириб топиш ҳамда ишлаб чиқишни талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация иши бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига боғлиқлиги. Диссертация иши Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А14-Ф063 “Терморезисторлар тайёрлаш учун нейтрон билан компенсирланган кремний олиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011), АЗ-ФА-Ф124 “Радиациявий ишлов услубида юқори даражали компенсирланган кремний олиш технологияси ва унинг асосида датчиклар яратиш” (2012-2014), АЗ-ФА-Ф003 “Компенсирланган кремний датчиги асосида озиқ овқатлар сақланадиган омбор температурасини ва намлигини узоқ масофадан назорат қилиб турадиган қурилмани яратиш” (2015-2017) лойиҳалари ҳамда “Легирланган монокристаллик кремний ядро трансмутациясида радиацион-стимулланган жараёнлар” (2020-2024) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таркибида фосфор атомлари бўлган компенсацияланган монокристалл кремний олишнинг радиациявий технологиясини ишлаб чиқиш, унинг асосида юқори сезгирликка эга бўлган терморрадиацион датчиклар яратишдан иборат.

Тадқиқотларнинг вазифалари:

кремнийдаги дастлабки технологик киришмалар ва унинг электрофизик параметрларининг радиацион ишлов бериш жараёнида компенсацияланиш даражасига таъсирини ўрганиш;

атом реакторининг секин нейтронлари оқимида радиацион ишлов бериш йўли билан кремнийни юқори даражада компенсациялашга эришган ҳолда фосфор атомлари билан легирлашни амалга ошириш;

нейтронлар билан рағбатлантириб легирланган кремний олиш ва *i*-типли юқори қаршиликли биржинсли компенсацияланган кремний олишда радиацион ва термик ишлов беришнинг оптимал шарт-шароитларини аниқлаш;

юқори сезгирликка эга бўлган ядровий нурланиш детекторларини ва солиштирма қаршилиги 100÷170 Ом·см ли термо- ва фоторезисторларни, 273÷398 К температуралар оралиғида ишлайдиган ёнғиндан хабар бериш датчикларининг нейтронлар билан рағбатлантириб легирланган кремний асосдаги элементларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш;

n-типли кремнийнинг электр қаршилигини ўзгаришига асосланган атом реакторининг секин нейтронлар оқими зичлигини тезкор аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

компенсацияланган кремний асосида яратилган терморрадиацион датчикларнинг лаборатория макетини синовдан ўтказиш, уларнинг электрофизик параметрларини ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти нейтронлар билан рағбатлантириб легирланган ва радиацион ишлов берилган кремний монокристалли ҳамда ёнғинга қарши

терморацион датчиклар ва нейтронлар оқимини ўлчаш учун детекторлар ташкил этади.

Тадқиқот предмети компенсацияланган кремнийдаги нейтронлар билан рағбатлантирилган жараёнлар, температурани ва нейтронлар оқими зичлигини назорат қилиш учун датчиклар олиш усуллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Нейтронлар билан нурлантириш усули, резисторнинг қаршилигини ҳароратга боғлиқ тарзда ўлчашнинг электр усули, Холл эффекти усули билан заряд ташувчилар концентрациясини ва солиштирма қаршилиқни ўлчаш.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

номинал солиштирма қаршилиги $(4\div 8)\cdot 10^5$ Ом·см бўлган компенсацияланган кремний монокристалини олиш учун p - ва n -типли саноат намуналарига радиацион ва термик ишлов беришнинг оптимал режимлари аниқланган;

терморацион датчик тайёрлаш учун юқори қаршилиқли кремний олиш усули таклиф қилинган ва ёнғиндан хабар бериш тизими учун $273\div 398$ К температуралар оралиғида ишлайдиган компенсацияланган кремний асосида термодатчик ишлаб чиқилган;

ВВР-СМ тадқиқот атом реакторида нейтронлар оқими зичлигини аниқлашнинг, дастлабки солиштирма қаршилиги $1\div 5$ Ом·см бўлган n -типли кремнийнинг электр қаршилиги ўзгаришига асосланган тезкор усули ва датчиги ишлаб чиқилган;

ишлатилган n^+-n-n^+ структурали терморезисторлар 473 К гача температурада иссиқлик билан қайта ишланганда амалда электрофизик параметрларини қайта тиклаши аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

n -типли, радиацион нуқсонлар билан компенсацияланган кремний асосида $273\div 398$ К температуралар оралиғида иссиқликка сезгир n^+-n-n^+ структуралар олиш усули ишлаб чиқилган ва патент билан ҳимояланган, уларни амалда қўллаш мумкин бўлган соҳалар белгилаб олинган;

ядровий усулда легирланган монокристалл кремний асосида радиациявий датчиклар олиш технологияси таклиф қилинган ва амалда қўлланган ҳамда уларни атом реакторида нейтронлар оқимининг зичлигини ўлчашда қўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилган;

тез нейтронлар билан нурлантириш орқали солиштирма қаршилиги $100\div 170$ Ом·см ли n -типли кремнийдан сезгирлиги юқори бўлган термо- ва фоторезисторлар тайёрлаш имконияти кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий, юқори аниқликдаги усул ва ускуналарнинг қўлланилганлиги ҳамда назарий ва амалий тадқиқотлар билан илмий асосланганлиги, намуналарга ишлов беришнинг яхши маълум ва асосланган технологик усулларида фойдаланилганлиги билан асосланади. Радиометрик тадқиқотларнинг тавсия этилган усули патент билан ҳимояланган ва кремнийдан ҳар хил қурилмаларда ишлатиб синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Натижаларнинг илмий аҳамияти кремний монокристаллида ҳосил қилинган $n^+ - n - n^+$ структураларнинг температурага боғлиқ ўзгарадиган электрофизикавий параметрларининг ВВР-СМ атом реакторининг тез ва секин нейтронлари оқимида ўзгариш қонуниятларини аниқлашда намоён бўлади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, терморрадиацион датчикларнинг сезгирлигини ошириш учун кремнийда тез нейтронлар билан нурлантириш жараёнида пайдо бўладиган радиацион нуқсонлардан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб берилди. $n^+ - n - n^+$ структураларни олиш усули иқтисодиётнинг турли соҳаларида температура датчиклари учун қўлланилиши мумкин. Радиометрик тадқиқотларнинг таклиф қилинган методикаси патент билан ҳимояланган ва турли кремнийли асбобларда синаб кўрилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нейтронлар билан трансмутацияланган монокристалл кремний асосида терморрадиацион датчиклар ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

номинал солиштирма қаршилиги $(4 \div 8) \cdot 10^5$ Ом·см бўлган компенсацияланган кремний монокристалли олиш учун p - ва n -типли саноат намуналарига радиацион ва термик ишлов беришнинг энг мақбул режимлари терморрадиацион датчиклар тайёрлаш учун “Фотон” акциядорлик жамиятида қўлланилган («Uzeltexsanoat» уюшмасининг 2021 йилнинг 14 июлидаги №04-3/1307 - сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши ҳориждаги аналогларига нисбатан керакли ва яхшиланган характеристикаларга эга терморезисторларни олиш имконини берган;

терморрадиацион датчик тайёрлаш учун юқори қаршиликли кремний олишнинг таклиф қилинган усули ва 273÷398 К температура оралиғида ишлайдиган, компенсацияланган кремний асосида термодатчик тайёрлашнинг ишлаб чиқилган технологияси Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси патенти IAP №04796, 29.11.2013й.). Ишланманинг қўлланилиши ёнғиндан хабар бериш тизими учун терморезисторни тайёрлаш имконини берган;

ВВР-СМ атом реакторининг секин нейтронлар оқими зичлигини тезкор аниқлаш усули Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси патенти IAP №05339, 11.01.2017 й.). Ишланманинг қўлланилиши ВВР-СМ реактордаги секин нейтронлар оқимини назорат қилиш диапазонини 10^{10} дан 10^{18} нейтрон/см² гача кенгайтириш имконини берган;

ишлатилган $n^+ - n - n^+$ структурали терморезисторларнинг параметрларини қайта тиклашнинг аниқланган имконияти “Фотон” акциядорлик жамиятида диффузион терморезисторлар ишлаб чиқаришда қўлланилган («Uzeltexsanoat» уюшмасининг 2021 йилнинг 14 июлидаги № 04-3/1307 - сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши n -тип кремний асосида терморезисторларни тайёрлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари халқаро ва республика миқёсидаги 11 та илмий ва амалий конференцияларда маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида жами 16 та илмий иш нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та мақола, шулардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 2 та ихтирога патент олинган.

Диссертация ишининг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Легирланган монокристалл кремний олиш усуллари”** номли биринчи бобида монокристалл кремнийни легирлаш ва ишлов бериш усуллари адабиётларда келтирилган маълумотлари таҳлил қилинди. Адабиётлардаги маълумотлари таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланди.

Маълумки, технологик жараёнлар натижасида ёки радиациявий усул билан кремнийга киритилган чуқур энергетик сатҳлар (ЧЭС) ҳосил қилувчи киришмали нуқсонлар термодинамик беқарор бўлади. Шунинг учун бундай тизим парчаланиш йўли билан мувозанатга интилади. Киришмали ва радиацион нуқсонларнинг парчаланиши кремнийнинг электрофизикавий ва рекомбинацион хоссаларини ҳамда унинг асосидаги асбобларнинг параметрларини ўзгаришига олиб келади, чунки парчаланиш жараёнида нуқсонлар янги ҳолатларга – кремнийнинг таъқиқланган зонасида кўшимча энергетик сатҳлар ҳосил қилиши мумкин бўлган комплексларга айланади. Шунинг учун ҳарорат ўзгариши билан юз берадиган парчаланиш жараёнларини ўрганиш катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади.

“Легирлаш услублари ва намуналарнинг электрофизик характеристикаларини ўлчаш учун ўлчов қурилмалари” деб номланган иккинчи боби электр параметрлари термик жиҳатдан барқарор ва биржинсли кремний олиш технологияси, тажрибаларнинг услублари ва техникаси каби тадқиқот объектларига бағишланган. Датчиклар параметрларининг олдиндан белгиланган қийматларига эришиш учун намуналарга радиация билан ишлов

беришнинг оптимал режимлари ва оптимал характеристикалари танлаб олинди.

n-типли монокристалл кремнийдан тез нейтронлар билан нурлантириш усулида характеристикалари айнан бир хил қаршиликли терморезисторлар олиш имкониятлари тадқиқ қилинди ва аниқланди.

Кремний монокристаллининг тадқиқ қилинаётган намуналарига фосфор киришмаси киритиш орқали фосфор иштирок этган электр жиҳатдан пассив нуқсон комплекси олишнинг қўлланган усули асосланди.

“Кремнийни ядровий трансмутацияланиши базасида термодатчиклар олиш усулини ишлаб чиқиш” номли учинчи бобида термодатчиклар учун ядровий трансмутация йўли билан легирланган намуналар олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг асосий натижалари, бу датчикларнинг асосий характеристикаларини назорат ва таҳлил қилиш усуллари келтирилган ва шу турдаги термодатчикларни бошқа ишлаб чиқарувчиларининг маълумотлари билан қиёсий таҳлил қилиш асосида мазкур ишда уларни ишлаб чиқаришнинг таклиф қилинаётган усулининг техник ва иқтисодий афзалликлари кўрсатиб берилган.

Тез нейтронлар интеграл оқимини аниқлаш учун секин нейтронлар (энергия $E \leq 0,1$ эВ) интенсивлигини аниқлаш усули, кейинги қадамда кадмий нисбатидан фойдаланиб қайта ҳисоблаш орқали қўлланди. Оқимни ҳисоблаш *p*-тип кремнийда кремний изотопларидан бири томонидан секин нейтронни қамраб олиш орқали донор киришма атоми фосфорни ҳосил қилиши асосида бажарилди. Бунда фосфорнинг ҳосил бўлган концентрациясини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$N_p = 1,7 \cdot 10^{-4} \Phi \quad (1)$$

бу ерда, $\Phi = \varphi \cdot t$, φ - секин нейтронлар оқими, t – нурлантириш вақти, с.

Кремнийни нурлантиришдан олдин ва кейин заряд ташувчилар концентрациясини ўлчаб секин нейтронлар оқимини аниқлаш мумкин. Заряд ташувчилар концентрациясини ўлчашдаги хатолик $\pm 8\%$ ни ташкил қилди. Радиацион нуқсонларни қиздириш ~ 1073 К температурада, кейин $3 \div 5$ град./минут тезликда совутиш билан амалга оширилди.

Иссиқлик сезувчанлиги ўлчанган 100 та намунанинг қийматларини статистик таҳлил қилиш, ҳароратга сезгирлик коэффициентлари (*B*) тенг бир хил терморезисторлар чиқиши 92% дан кам бўлмаслигини кўрсатди.

Радиацион нуқсонлари бўлган компенсацияланган кремний асосидаги, номинал қаршилик диапазони $(2 \div 4) \cdot 10^5$ Ом бўлган, манфий (қаршиликларни температуравий коэффициенти) (КТК) ли тайёрланган терморезистор қуйидаги характеристикаларга эга: доимий $B = (6000 \pm 50)$ К; $\alpha_{306 \text{ К}} = -(6,9 \div 7,0) \% / \text{град}$ – 306 К да термистор қаршилигининг температура коэффициенти; Температура ўлчаш интервали 303 дан 373 К гача.

Тез нейтронларнинг $2,2 \cdot 10^{14}$ см⁻² флюенси билан нурлантирилгандан кейинги электр қаршилиги *R* ўзгаришининг температурага боғлиқлиги ихтиёрий танлаб олинган 5 та намуна учун 1-жадвалда келтирилган.

Намуналарнинг электр қаршилигининг температурага боғлиқ ўзгариши

Намуналарнинг температурасини ўзгариши Т, К	Намуналарнинг электр қаршилиги ўзгариши R (Т)				
	Намуна №1	Намуна №2	Намуна №3	Намуна №4	Намуна №5
	R, Ом	R, Ом	R, Ом	R, Ом	R, Ом
303	$1,48 \cdot 10^5$	$1,76 \cdot 10^5$	$2,18 \cdot 10^5$	$2,09 \cdot 10^5$	$1,93 \cdot 10^5$
308	$9,58 \cdot 10^4$	$9,63 \cdot 10^4$	$9,75 \cdot 10^4$	$9,68 \cdot 10^4$	$9,65 \cdot 10^4$
313	$7,19 \cdot 10^4$	$7,42 \cdot 10^4$	$7,57 \cdot 10^4$	$7,49 \cdot 10^4$	$7,485 \cdot 10^4$
318	$4,85 \cdot 10^4$	$5,09 \cdot 10^4$	$5,15 \cdot 10^4$	$5,12 \cdot 10^4$	$5,1 \cdot 10^4$
323	$3,58 \cdot 10^4$	$3,65 \cdot 10^4$	$3,76 \cdot 10^4$	$3,67 \cdot 10^4$	$3,66 \cdot 10^4$
328	$2,61 \cdot 10^4$	$2,72 \cdot 10^4$	$2,80 \cdot 10^4$	$2,79 \cdot 10^4$	$2,75 \cdot 10^4$
333	$1,93 \cdot 10^4$	$2,03 \cdot 10^4$	$2,12 \cdot 10^4$	$2,10 \cdot 10^4$	$2,07 \cdot 10^4$
338	$1,48 \cdot 10^4$	$1,52 \cdot 10^4$	$1,65 \cdot 10^4$	$1,63 \cdot 10^4$	$1,59 \cdot 10^4$
343	$1,09 \cdot 10^4$	$1,15 \cdot 10^4$	$1,2 \cdot 10^4$	$1,18 \cdot 10^4$	$1,15 \cdot 10^4$
348	$8,26 \cdot 10^3$	$9,33 \cdot 10^3$	$9,45 \cdot 10^3$	$9,42 \cdot 10^3$	$9,40 \cdot 10^3$
353	$6,47 \cdot 10^3$	$6,71 \cdot 10^3$	$6,82 \cdot 10^3$	$6,81 \cdot 10^3$	$6,74 \cdot 10^3$
358	$5,18 \cdot 10^3$	$5,35 \cdot 10^3$	$5,46 \cdot 10^3$	$5,40 \cdot 10^3$	$5,40 \cdot 10^3$
363	$3,72 \cdot 10^3$	$3,95 \cdot 10^3$	$4,12 \cdot 10^3$	$4,05 \cdot 10^3$	$4,07 \cdot 10^3$
368	$2,97 \cdot 10^3$	$3,084 \cdot 10^3$	$3,18 \cdot 10^3$	$3,156 \cdot 10^3$	$3,14 \cdot 10^3$
373	$2,16 \cdot 10^3$	$2,29 \cdot 10^3$	$2,36 \cdot 10^3$	$2,31 \cdot 10^3$	$2,32 \cdot 10^3$

2-жадвалдан кўришиб турибдики, терморезисторларни ишлаб чиқариш бўйича тавсия этилган усулда *B* бошқа терморезисторлардан ~1,5 баробар юқори.

Бошқа маълум терморезисторларнинг иссиқлик сезувчанлигини бизнинг намуналар билан солиштирилиши.

Терморезисторни турлари	300 К даги номинал қаршилик	Доимий «В», К
Бизнинг термодатчик	10^6 Ом	6000 (273...403 К)
ТР-2	33 к Ом·см ±20 %	3470 ...3900 (273...423 К)
ТР-14	(2,6 ÷ 2,9) кОм	4000...4300 (273...423 К)
СТ104D	10^5 Ом	4040 (233...373 К)

Кремнийли терморезисторларни ишлаб чиқариш учун таклиф этилган усул қуйидаги афзалликларга эга: ишлаб чиқаришнинг ўта қулайлиги (компенсирланган материалнинг нархини пасайтириш) ва ҳар бир

терморезисторларни алоҳида ўлчашни талаб қилмаслиги. Тизим қуйидагича тузилган:

Ёнғин датчиклари тутун пайдо бўлганда ишга тушади. Яримўтказгичли кремний материалдан тайёрланган датчиклар ҳарорат ўзгаришига жуда сезгир бўлиб, ёнғин чиқмасдан олдинроқ ишга тушади ва ёнғиннинг олди олинади. Ҳозирги вақтда радиациявий ишлов бериш ёрдамида бир хил хусусиятларга ва параметрларга эга бўлган материал олишнинг янги усуллари таклиф этилмоқда.


Ёнғиндан хабар берувчи датчикларнинг олдинги авлодларини кўриб чиққанимизда, биз яратган датчикнинг бир қатор афзалликларга эга эканлигига амин бўлдик. Бошқа шу каби датчиклар билан таққослаганда, биз таклиф қилаётган датчик ҳарорат ўзгаришига нисбатан икки баробар сезгир, ҳарорат датчигининг огоҳлатириш оралиғи 8 секунддан кам, назорат остидаги муҳитнинг максимал ҳарорати юқори 398 К, электр таъминоти кучланиши қиймати (9-220) В ва ҳаражатлар нархи икки-уч баробар кам.

Датчикнинг тўлиқ ёки алоҳида қисмларини қайта ишлатиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, USB порти орқали 100 метргача симсиз сигнал узатиш орқали ишлатиш мумкин. Шундай қилиб, биз таклиф қилаётган датчикларимиз қуйидаги, фойдали устунликларга эга ҳароратга сезгирлиги юқори ва арзон нархлардаги, янги дизайни, ўрнатиш учун қулай ва такрорий фойдаланиш имконини беради.

1-расмда кўрсатилган ҳарорат сигнализацияси датчиги, бошқариладиган муҳитнинг руҳсат этилган даражадан юқори ҳарорат даражасини бошқариш учун ҳарорат датчиги сифатида ишлатиш учун мўлжалланган. Терморезисторнинг ҳароратга сезгирлиги ($B=6000$ К) юқори бўлганлиги туфайли уни кимё, нефт, газ ва бошқа соҳаларда ишлатиш яхши самара беради. Масалан, USB орқали кампьютерга бир нечта датчикларни улаб, пахта станцияларидаги бункерлардаги ҳароратни бошқариш ва назорат қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, датчикнинг устки қоплами алюминий ёки зангламас пўлат материаллар билан қопланган. Натижада датчик ташқи таъсирларга чидамли бўлиб кимёвий ва радиациявий омборларда фойдаланиш учун қулай.


Датчикни маълум ҳароратга созлаш усули: агар объектнинг ҳарорати белгиланган даражадан ошмаса, терморезистор юқори қаршиликка эга ($R_{TP}=2 \cdot 10^6$ Ом) бўлганлиги учун ток ўтмайди. Транзистор коллекторида кучланиш катта, коллектор токи эса кичик. КТ315 Б транзистор базасидаги кучланиш паст, яъни транзистор ёпиқ. R_2 ва R_3 қаршиликлар хона ҳароратида коллекторда ($8 \div 10$) mA ток оқими ўтишини таъминлайди. Ҳарорат ортиши билан терморезисторнинг қаршилиги камаяди. Резистор R_2 транзисторнинг коллектор оқимини (масалан 333 К да) $I_k \approx 13$ mA га етказди. Коллектор токи контактлари сигнализация қурилмасига уланган реленинг ишлаб кетиши учун етарли.



1-расм. Ҳарорат сигнализацияси датчиги: а) терморезисторларни кўриниши; б) Алюминий қотишмасидан тайёрланган қутидаги терморезисторнинг жойлашуви; в) ёнғинга қарши датчикнинг кўриниши; г) ҳарорат сигнализация датчиги учун схема, электрон калит ёрдамида ТР ни улаш схемаси ($R_{TR} = 2 \cdot 10^6 \text{ Ом}$, $R_1 = 100 \text{ кОм}$, $R_2 = 20 \text{ кОм}$, $R_3 = 100 \text{ Ом}$).


Датчикларни ишлаб чиқариш учун юқоридаги усулини қўллаб ва схема техник ёндашув асосида электрон термометр (ЭТ) нинг лаборатория намунаси ишлаб чиқилган бўлиб, 2-расмда унинг электрон схемаси берилган. ЭТ нинг электр схемаси доимий ток учун кўприк схемага асосланади, унинг бир елкасида терморезистор (ТР) электрон калит орқали уланади, микроамперметр шкаласи ($0 \dots 50 \text{ мкА}$) индикатор вазифасини бажаради. Электрон термометрнинг ишлаш принципи терморезистор қаршилигининг ўзгариши натижасида электр кўприкда дисбаланс ҳосил бўлишига асосланган. R_1 , R_2 резисторларни минимал ҳолатга қўйилади. Хона ҳароратида ТР энг катта қаршиликка эга ($R_{TR} = 2 \cdot 10^6 \text{ Ом}$), яъни транзистордан ток ўтмайди. Транзистор (КТ315 Б) нинг коллекторида кучланиш катта, ток кучи кам. Кўприк мувозанатга келганда ўлчаш диагоналида кучланиш нолга тенг. 307 К ҳароратда ТР қаршилиги камаяди, R_1 резистор ёрдамида асбоб шкаласи шу қийматга келтирилади. Кейин ТР ҳарорати R_4 резистор ёрдамида 315 К гача кўтарилади ва асбоб шкаласи шу қийматга келтирилади. Назорат қилиш учун ҳароратни симобли лаборатория термометрида ўлчанади. ЭТ ни қўллаб қисқа вақтда 307-315 К ораликда ҳароратни ўлчаш мумкин. Уни ясашда компенсирланган кремний (303 К даги қаршилиги $R_{TR} = 2 \cdot 10^5 \text{ Ом}$)

асосида ишлаб чиқилган ТР қўлланган. Резисторлар: $R_1 = 100 \text{ кОм}$, $R_2 = 500 \text{ Ом}$, $R_3 = 500 \text{ Ом}$, $R_4 = 100 \text{ Ом}$, $R_5 = 150 \text{ кОм}$, $R_6 = 21 \text{ кОм}$, $R_7 = 100 \text{ Ом}$, $R_8 = 100 \text{ Ом}$, $R_9 = 10 \text{ кОм}$. Тайёрланган электрон термометрнинг лаборатория макети сезгирлиги юқори, ҳароратни назорат қилиши тез ҳамда чет мамлакатлардан олиб келинадиган термометрлардан арзон. Ушбу электрон термометрларни компьютер ёки телефонга USB орқали уланиши билан компьютер дастури ёрдамида узоқ масофадан туриб беморлар ҳароратини назорат қилиш мумкин.



2-расм. Электрон термометр ишлаш схемаси

Электрофизик параметрлар фотоўказувчанлик сўниши усули билан ўлчанди ва юқори ҳароратда термик ишлов беришда нейтронлар ёрдамида легирланган кремний бор концентрациясига боғлиқлиги ўрганилди. Радиацион нуқсонлар (РН) $\sim 1273 \text{ К}$ ҳароратда ~ 30 минут давомида қиздирилди ва $(5 \div 10)$ град./минут тезликда секин совутилди. Заряд ташувчилар ҳаракатининг номинал қийматини билиш учун $\sim 1273 \text{ К}$ ҳароратда изотермик қиздириш амалга оширилди.




3-расм. $n^+ - n - n^+$ тузилма электрқаршилигининг нурлантиришгача (1) ва тез нейтронлар флюенслари (см^{-2}): 2 - $5 \cdot 10^{13}$; 3 - $8 \cdot 10^{13}$; 4 - $2 \cdot 10^{14}$ билан нурлантиришдан кейин температурага боғлиқ тарзда ўзгариши

Тайёрланган намуналар ($n^+ - n - n^+$ - тузилмалари) атом реакторида тез нейтронлар ($\phi = (3 \div 4) \cdot 10^{12} \text{ см}^{-2} \cdot \text{с}^{-1}$) оқимида асосий заряд ташувчилар

акцептор характерли радиацион нуқсонлар билан тўлиқ компенсациялан-гунича нурлантирилди. Олинган натижалар 3- ва 4-расмларда келтирилган.

3-расмдан кўринадикки, R_k (қоронгуликдаги қаршилик) амалда $t=120$ секунд нурлантириш вақтидан кейин энг катта қийматига эришади. Шуни қайд этиш керакки, тез нейтронларнинг $2 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2}$ флюенсида солиштирма қаршилиги (100÷170) Ом·см бўлган резисторларнинг R_k лари таққослаб кўрилди (4-расм).



4-расм. Турли дастлабки солиштирма қаршиликли кремний намуналари учун нурлантирилган $n^+ - n - n^+$ - тузилманинг электр-қаршилигини температурага боғлиқлиги, ρ_0 (Ом·см): 1–70; 2–100; 3–170


Бу намуналарда Ферми сатҳи $E_c - 0,50$ эВ қуйроқ жойлашган ва тез нейтронлар флюенси ортиши билан Ферми сатҳининг таъқиқланган зона ўртасига силжиши туфайли ҳосил бўладиган $E_c - 0,18$ эВ ва $E_c - 0,39$ эВ сатҳлар тўлиқ ионлашиб кетади. Фосфор+вакансия (E-марказ) нуқсонга боғлиқ $E_c - 0,40$ эВ сатҳ кичик концентрацияга эга ($< 10^{12} \text{ см}^{-3}$), у ҳам нурлантиришдан кейин ионлашиб кетади, яъни амалда кремнийнинг электрофизикавий хоссаларига таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун, дастлабки фосфор донор киришмасининг компенсацияланишида асосан дивакансиянинг $E_c - 0,54$ эВ акцептор сатҳигина қатнашади деб фараз қилиш мумкин.

Нурлантирилган намунанинг фотоэлектрик параметрларини барқарорлаштириш учун 20 минут давомда 493 К ҳароратда қиздирилади. R_k/R_ε нинг (R_ε – ёритилгандаги қаршилик) қиздириш температураси бўйича ўлчаш натижалари 3-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўринадикки, иссиқлик билан ишлов берилгандан кейин электрқаршиликнинг ўзгариш қарралиги ортади ва амалда бир тартибга (~ 10 марта) ортади.

Намуналарни бошланғич солиштирма қаршилиги $\rho_0 = 170 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ тез нейтронлар $\sim 2 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2}$ флюенси билан нурлантирилгандан кейин ~ 20 минут 493 К ҳароратда қиздирилганда R_k/R_{ϵ} нинг ўзгариши

Ҳолати	R_k/R_{ϵ} олинган натижалар нисбати			
Термик ишловдан олдин	1,14	1,1	1,1	1,2
Термик ишловдан кейин	11,2	9,7	11,1	12

Танлаб олинган (бошланғич солиштирма қаршилиги $\rho_0 = 170 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ бўлган компенсацияланган кремнийдан тайёрланган) $n^+ - n - n^+$ -тузилма намуналарини нурлантирилган (тез нейтронлар флюенси $\sim 2 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2}$) дан кейин электрқаршилигининг температурага боғлиқлиги 200 лк ёритилганликда ўлчанди (5-расм).




5-расм. Фоторезисторлар қаршилигининг температурага боғлиқлиги: 1– қоронғида; 2– ёритилганда ($E = 200 \text{ лк}$)

Ҳосил бўлган боғланиш қуйидагича ифодаланади:

$$(R_k - R_{\epsilon}) / R_k = \exp(-670 / T) \quad (2)$$

Радиациявий компенсацияланган кремнийни ўрганиш натижасида $303 \div 373 \text{ К}$ ҳарорат оралиғида ишлайдиган бир хил хусусиятларга эга фото- ва термодатчиклар яратиш имконияти борлиги аниқланди.

Радиациявий нуқсонлар бор, компенсацияланган кремний асосида яратилган, $\sim 373 \text{ К}$ ҳароратгача ишлайдиган фоторезисторлар фото- ва термодатчиклар сифатида қўлланилиши мумкин (6-расм).



6-расм. Фоторезисторнинг электр қаршилигидаги нисбий ўзгариши ($n^+ - n - n^+ -$ тузилмалари) $E = 200$ лк ёритилганликдаги ҳароратга боғлиқлиги

“Ядровий трансмутацияланган кремний асосида нейтрон оқимини ўлчаш учун детектор олиш усулини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобида нейтронлар оқимини ўлчаш учун детекторни ишлаб чиқишнинг физик ва технологик босқичлари тавсифланади.

Кремний монокристалини нейтронлар билан нурлантириб тайёрланган (НЛД) яримўтказгичли детекторни яратишда технологик босқич қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Дастлаб пластиналар керакли диаметрдаги НЛК $\rho = 1 - 5$ кОм·см, қалинлиги $d = 10 - 30$ мм бўлган p -типли кремний монокристалларини кесиш орқали олинади;

2. Кесиш жараёнида механик шикастланган қатламни олиб ташлаш учун силиқлаш дастгоҳида М-14 – М5 микро куқунлар ёрдамида ҳар икки томонидан бир хил 50 мкм қалинликда олиб ташланади;

3. Намуналар дистилланган сувда ва ишқорсиз совун билан ювилади;


4. Намуналар юзасини тозалаш:

а) Пероксид-аммиак эритмасида 15 дақиқа давомида қайнатилади. Ушбу кучсиз гидроксиди муҳитда қайта ишлашда қутбли бўлмаган органик бирикмалар, масалан, минерал мойлар, парафинлар ва бошқалар самарали равишда тозаланади. Бундай моддалар молекулаларининг дипол моменти кичик, шунинг учун улар юқори сирт сиғим энергиясига эга ва сиртнинг термодинамик беқарорлигини келтириб чиқаради;

б) Концентранган нитрат кислотада 7 дақиқа давомида қайнатилади ва дистилланган сувда ювилади. Ушбу ишлов бериш билан ионли кимёвий ифлослантирувчи моддалар (Na^+ , K^+ , Ca^+ , Mg^+ , Fe^{2+} , ва бошқалар) уларни сувда эрувчан тузларга айлантириш орқали сиртдан тозаланади, кейин дистилланган ионсизлаштирилган сувда ювилади.

